



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (12.362)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Кеча тадбиркор ва хунармандларнинг ўзига хос кўригига айланган анъанавий «Ташаббус» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман босқичларида муваффақиятли иштирок этган 20 нафардан зиёд тадбиркор ва хунарманд иштирок этди.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган ушбу кўрик-танлов тадбиркорлар ва хунармандларимиз томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини кенг намойиш этиш, ўзаро тажриба алмашиш ва илгор тажрибаларни оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг «Маданият ва санъат кўргазмаси» залида ўтказилган танловда тадбиркорлар қандолатчилик маҳсулотлари, қолбаса, мебел, маҳсус кийимлар, кимёвий препаратлар сингари кенг турдаги маҳсулотларини намойиш этишди. Хунармандлар эса мусикий асбоблар, миллий либослар, зебу зийнатлар, ёғоч ўймакорлиги буюмлари билан кўргазмани янада бойитишди.

Сўнгги йилларда кўрик-танловни юқори савияда ва ҳолислик асосида ўтказиш учун керакли чора-тадбирлар кўрилиб, уни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Яъни, иш ўринларини ташкил этиш,

«Ташаббус — 2013»

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўлаш ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича самарали фаолият олиб бораётган корхоналар танловда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган.

«Toshkent trans energo» хусусий корхонаси ҳам ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан биридир. Мирзо Улугбек туманида фаолият олиб бораётган корхонада бугунги кунда паст ва юқори вольтли электр ускуналари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ускуналар нефтьгаз ва электр-энергетика тармоқларида кенг қўлланилаётди.

Танловнинг «Энг яхши тадбиркор» номинациясига «Toshkent trans energo» хусусий корхонаси раҳбари Хушнудбек Бекжонов сазовор бўлди.

— Мазкур танловда биринчи бор иштирок этаётганим йўқ, — дейди Хушнудбек Бекжонов. — Илгарилари ҳам қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритганман. «Ташаббус» кўрик-танлови юртимизда тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Учтепа тумани вакили сифатида танловда қатнашган коллекция учун миниатюралар тайёрлайдиган Жамолддин Абдуллаев эса ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра энг яхши хунарманд деб топилди.

Ҳар иккала номинацияда голиб бўлган иштирокчилар республика босқичига йўлланма олди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

«POLITICAL EVENTS» ЎЗБЕКИСТОНДА КЕЧАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ҲАҚИДА

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасини шарҳлар экан, Ҳиндистонда нашр этиладиган «Political Events» ахборот-таҳлилий журнали мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижаси ўлароқ халқ фаровонлиги тобора юқалиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди.

«Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустақам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал иқтисоднинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди», деб ёзади журнали.

«Political Events» нашри ишлаб чиқариш қувватини ошириш, энергияни тежасийдиган замонавий технологияларни жорий қилиш, республикада электр таъминотининг сифати ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида энергетика мажмуасини техникавий ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилаётган катта

этиборга юксак баҳо берган. «Бунинг ёрқин исботи «Навий иссиқлик электр станцияси»да Япониянинг «Митсубиши» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қуввати 478 мегаваттга тенг буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши бўлди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши бир йилда қўшимча 2,8 миллиард кВт электр энергияни ишлаб чиқариш, шу билан бирга, шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта қисқартириш ҳамда ҳар йили 400 миллион куб метр ҳажмдаги газни иқтисод қилиш имконини беради», деб ёзади «Political Events».

Мамлакатимизда автомобиль саноати ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга тақдим этар экан, нашр Самарқанд вилоятида Германиянинг дунёга машҳур «MAN» компанияси билан ҳамкорликда йилга уч мингта юк машиналари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги мажмуа қурилишининг иккинчи босқичи ўз низоҳисига етганини маълум қилади. Шунингдек, дунёнинг энг илгор тажрибаси ва юксак меzonлар асосида бунёд этилган мазкур ишлаб чиқариш мажмуаси замонавий юк ташиш автомобиллари билан мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжини таъминлагани баробарида уларни экспортга ҳам йўналтириши мақолада алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА
Дехли



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2012 йилдаги иш якунлари таҳлилига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгаши депутатлари, доимий комиссиялар раислари, ҳокимликларнинг ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.

• «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгашида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажак пойдевори» каби лойиҳаларга ёшларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

• Андижон вилояти Балиқчи туманида «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг экологик маданиятини юксалтириш, аҳоли саломатлигини сақлаш масалаларига бағишланган «Соғлом муҳит — соғлом инсон» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул кўшнларига қарашли ҳарбий қисмда аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ҳарбийлар, ота-оналар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларига қалин қор ёғиши натижасида Виржиния штатида 200 минг уй-жой электр энергиясиз қолди. Виржиния губернатори Боб Макдонель эса штатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Қорнинг қалинлиги айрим ҳудудларда ярим метрдан ошган. Нью-Жерси штатида ҳам 40 минг киши электр энергияси таъминотидан узилиб қолди.


• Тайванда магнитудаси 5,6 балли ер силкиниши кузатилди. Сейсмологларнинг таъкидлашича, зилзила маркази Хуалян шаҳридан 36 километр шимоли-ғарбида бўлган ва ер қимирлаши пойтахт Тайбэйда ҳам кучли сезилган. Табиий офат туфайли зарар кўрганлар ва қурбонлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

• Буюк Британиянинг «Barclays» банки маъмурияти мавжуд иш ўринларини қарийб 30 фоизга қисқартирмоқчи. Ушбу масала юзасидан молия муассасаси бош директори Энтони Женкинс инвесторларга мурожаат қилган. Унинг фикрича, «Barclays» рақобатга дош бера оладиган даражага чиқиши учун ортқича харажатларга барҳам бериши керак. Бунга эса айнан ходимлар сонини қисқартириш орқали эришиш мумкин. Агар мазкур режа амалга оширилса, банк ишчилари сони 40 минг нафарга камаёди.

Наврўзи олам яқин

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

16-17 март кунлари умумхалқ ҳашари ўтказилади



Баҳорни, фасллар келинчаги, дейишади. Дарҳақиқат, ушбу фаслда бутун қурраи заминда яшариш завқи ҳукм суради. Қир-адирлар яшиллик оламига чулғанади, дов-дарактлар, гуллар атрофга хушбўй ифторлар таратади. Маҳаллалар, ташкилот ва муассасаларда кенг қўллади ободонлаштириш ва тозалик ишлари амалга оширилади. Одамлар кўнглида яратиш, она заминни яшатиш, ён-атрофни янада обод ва кўкаламзор этиш руҳи кучаяди. Деҳқон даласига ошиқади, боғбон — боғига. Шоирларнинг эса илҳоми жўш уради. Муқимийнинг:

**Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Сўхбат айлайлик, келинлар, жўралар, ўртоғлар, —**

дея бошлангандаги газали ҳам ана шундай кўклам ишқи билан битилган.

Албатта, фасли навбахордан далалару боғларда экин экишу уруғ сочиш юмушлари ҳам жадал бошланиб кетади. Ота-боболаримиздан қолган азалий урф-одатларимизга кўра, маҳаллалар, кўп қаватли уйлар атрофи, боғларга мева ва манзарали дарактлар, турфа хил гуллар ўтказилади. Мавжуд дарактларга шакл берилади ва улар кўзларни қувнатадиган тусга киради.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, «Обод турмуш йили» Давлат дастуридан ҳам маҳаллаларни, аҳоли истиқомат қиладиган барча ҳудудларни янада обод, кўкаламзор этиш масалалари ўрин олгани бежиз эмас. Энг муҳими, баҳорнинг дастлабки ойда, Наврўзи олам нишонланадиган қўтлуг кунларда бутун шаҳримиз бўйлаб «Ободонлаштириш ойлиги» ўтказилаётгани ҳам худди узукка кўз қўйгандек бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГҲУН** «Жар» спорт мажмуасида универсал жанг бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди.

✓ **КЕЧА** «Ўзтемирйўлмаштаб-мир» корхонасида «Мамлакат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар» мав-

зуида матбуот анжумани ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Тошкент иқтисодиёт ва сервис коллежида уюштирилган тадбир Наврўз байрамига бағишланди.



Наврўзи олам яқин

ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз бўлаб 16-17 март кунлари умумхалқ ҳашари ўтказилаётгани ҳам Наврўзга тайёргарлик кўришнинг аънавий бир кўриниши ҳисобланади.

Ўлкамизни бог-роғларга айлантириш, кўкаламзорлаштириш борасида мева, манзарали, ток қўчатларини етказиб бераётган ҳолда қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазириликнинг Сабзавот-полиэтикалик, богдорчилик, узумчиликни ривожлантириш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бошқармаси, «Мева-шарбат» богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси каби ташкилотларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, бутун республикамиз, жумладан, шаҳримизда ҳам баҳорнинг ilk кунларидан дарахт қўчатлари ва турфа гулларни экиш ишлари кенг қўламда бошланиб кетди. Пойтахтимизни янада обод ва кўркем

қилишдек хайрли ташаббусни дилларига жо этган ҳамшаҳарларимиз томонидан фақат дастлабки кунларнинг ўзида жами 12 мингдан ортиқ мева ва манзарали дарахт, 13 минг 500 га яқин туп атиргул экилиб, 17 мингга яқин дарахтга шакл берилди.

Бу эзгу ишларда, айниқса, Юнусобод туманидаги «Оқибат», «Бодомзор», «Бободехон», Учтепа туманидаги «Кўчка Оқтепаси», Абдулла Қодирий, Олмазор туманидаги «Гузарбоши», «Аҳил», Шайхонтохур туманидаги «Илғор», «Оқлон», Яқкасарой туманидаги Юнус Ражабий, Ҳамид Сулаймон, Миробод туманидаги «Корасув», «Оқ уй» маҳаллалари фаоллик кўрсатишди.

Куни кеча эса «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими томонидан яна бир ибратли ишга қўл урилиб, пойтахтимизнинг барча маҳаллаларига 800 туп каштан дарахти қўчати тарқатилди.

Мухтасар қилиб айтганда, баҳор мавсуми давомида фақат пойтахтимиз ҳудудининг ўзига 137 мингдан ортиқ мева ва манзарали дарахт ўтказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга ҳудудларда ариқ-зовурлар тозаланади. Зиёратгоҳлар ободонлаштирилади.

Азиз ҳамшаҳарлар!
Наврўзи оламга ёруғ юз билан пешвоз чиқиш — азалий оадатларимиздан. Шундай экан, келинлар, она шаҳримизни бог-роғларга айлантирайлик, уни янада обод ва озода айлаш, кўкаламзорлаштириш ишларига ўз муносиб ҳиссамизни қўшайлик. Экилган ҳар бир қўчат шаҳримизни янада кўркем қилади, мева дарахтлар эса эрта-индин ҳосилга кириб, дастурхонимизни тўкин айлайди.

«Обод турмуш йили» моҳияти ҳам биздан шуни талаб қилади.

Маълумки, яшариш ва янгилашни фасли ҳисобланмиш баҳорнинг дастлабки ойи шаҳримизда «Ободонлаштириш ойлиги» деб эълон қилинган.

«ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ» ДОИРАСИДА

Шу муносабат билан бутун ой давомида шаҳримизда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар, маҳалла ва гузарларда ободонлаштириш, тозалаш, кўкаламзорлаштириш каби Наврўз байрамга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Жумладан, «Кўнгил ободлиги — ҳаёт гўзаллиги» шиори остида Тошкент шаҳар архив иши бошқармаси ва унинг тизимидаги архив муассасаларида ходимларнинг ҳамжихатлиги остида, кўтаринки руҳ, баҳорий кайфиятда уюшқоқлик билан ҳашар ўтказилди.

Ҳашарда барча ходимлар сидқидилдан фаол иштирок этишди. Натижада бино ҳовлиси 110 туп терак, 5 туп ўрик, 5 туп хурмо ва 2 туп олма ҳамда 20 та атиргул қўчатлари экилди, бундан ташқари атрофлар чиқиндилардан тозаланиб, ерлар юмшатилади ва озода ҳолатга келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, азим пойтахтимизни кўз қорачиғидай асраш, уни эртанги авлодга обод, бетакрор ва ҳамма ҳавас қиладиган даражада қолдириш истагини кўнгилларига жо қилган Тошкент шаҳри аҳлининг кичик бир жамоаси сифатида архив ходимларининг шаҳримизни янада кўкаламзорлаштиришга бўлган иштиёқлари кундан-кунга ошиб бормоқда. Бинобарин, келгусида ҳам тизимда юқоридаги каби ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ишларига доимий аҳамият қаратилади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун Тошкент метрополитени энг қулай ва ишончли транспорт воситаси ҳисобланади. Метрога тушарканмиз, унинг ҳар кунги узлуксиз ишлаши ва йўловчиларни ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун қанча куч ҳамда меҳнат талаб этилиши ҳақида кўпинча ўйламаймиз ҳам.

Мамлакатимизда йўловчиларнинг транспортда, хусусан, метрополитенда юриш хавфсизлигини таъминлашга доир изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ушбу транспорт турининг фаолиятини яхшилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борада тизимли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, метро объектларида энг янги ускуналар ўрнатилган, ёритиш, хабардор этиш, мониторинг ва назорат қилиш тизимлари ишлаб чиқилган.

Катта плакатлар ва ёруғлик кўрсаткичларидаги «Огоҳ бўлинг», «Огоҳлик — давр талаби» деган ёзувлар кўплаб йўловчилар эътиборини ўзига тортади. Кимдир уларни диққат билан ўқиб ўйланади, кимдир уларнинг маъноси ҳақида бош ҳам қотирмайдиган. Шундай бўлса-да, эътиборлиқка қаролмасдан бу даъватлар чуқур маъно-мазмунга эга.

Ҳар кунги амада 180-200 минг киши метрополитендан фойдаланади. Бунинг, айниқса, одамлар ишга ёки уйига шошаётган пайдада кўриш мумкин. Бироқ, шундай пайдада ҳам улар ёнида турган одамнинг катта сумкасида нима борлиги ҳақида ўйламайдиган. Негаки, метрополитен ходимлари ҳар бир одам хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилишига ишонади.

«Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонаси бошлиғи Б.Содиқовнинг айтишича, пойтахт метрополитени жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор талаб қиладиган мураккаб транспорт тизимидир. Бунинг учун, биринчи навбатда, поездлар ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги ва йўловчилар хавфсизлиги талабларига қатъий риоя этиш зарур.

Таъкидлаш керакки, поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш катта меҳнат талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Масалан, Чилонзор линиясида поездлар ҳаракатланиш жадвали ҳар ой ҳаракатланувчи таркибининг 44, Ўзбекистон линиясида 43, Юнусобод линиясида 17 нафар машинист томонидан таъминланади. Бундан ташқари, ҳаракатланувчи таркибининг ундан фойдаланиш давомида иш қўбилиятини таъминлаш учун техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тизими фаолият олиб боради.

Вагонларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатини яхшилаш, ишларни бажариш тезкорлигини ошириш мақсадида локомотив бригадаларини таркиб-

га бириктириш тизими жорий этилган. Иккита эксплуатация электрдепо бўйича 200 нафардан ортиқ мутахассис ҳар кун ҳаракатланувчи таркибга техник хизмат кўрсатади ва таъмирлаш ишларини бажаради.

Метрополитен ходимларининг таъкидлашича, ҳаракатланувчи таркибининг иш қўбилияти ва ундан фойда-

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ: ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА



ланиш муддатини узайтириш нафақат пойтахт ерости транспорти ходимлари, балки йўловчиларнинг ҳам бурчидир. Негаки, улар Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдиқланган Метрополитендан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишлари лозим. Ушбу қоидалар билан барча станция вестибюли ва поездлар вагонларида танишиш мумкин.

Метрополитендан фойдаланиш қоидаларида йўловчиларга тез ёнадиган суюқликлар — бензин, керосин, ацетон, спирт, барча турдаги эриткичлар, ёнғичи суюқликлар — мойли ва сир бўёқлар, солярка, суюқ машина мойлаш ёғлари ва бўёқлари, портловчи, ўювчи ва захарли моддалар, шунингдек, сикланган ёки суюлтирилган газ билан тўлдирилган баллонларни олиб ўтиш тақиқланган. Шунга қарамай, бу талаблар кўпол бузилган ҳолатлар ҳам қайд этилмоқда. Масалан, ўтган йил якунлари бўйича 875 нафар йўловчида тез ёнадиган суюқликлар борлиги аниқланган.

Пойтахт метрополитени ҳамда йўловчилар хавфсизлигини метрополитен хавфсизлиги ва Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимлари таъминла-

моқда. Уларни метрога киришда, станциялар вестибюллари ва платформаларида учратиш мумкин. Айнан улар йўловчиларнинг шахсий буюмларини кўздан кечирмоқда, зарур ҳолларда эса ҳужжатларни текшириб, фуқаролар шахсини аниқламоқда. Баъзида айрим йўловчилар уларнинг ишларидан норози бўлиб, жанжал чиқаради ва шу тариқа, метро ходимлари ҳамда тартиб сақлаш ходимларининг ишини қийинлаштирилади.

Мисол учун, қўл юқини кўрсатиш сўралган йўловчиларнинг айримлари унда портловчи моддалар борлиги ҳақида ёлгон маълумот беради. Ўтган йили шундай 54 ҳолат қайд этилди. Бу фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилиб, уларга жарима солинди. Йўловчилар томонидан станциялар ва вагонларда атайлаб ёки эсдан чиқариб қолдирилган эгасиз буюмлар ҳам хавфсизлик хизмати учун қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда. Одатда, ҳар бир бундай буюм метрополитен хавфсизлик хизмати ходимлари томонидан синчиклаб текширилади. Жумладан, 2012 йилда қолдирилган 1470 буюм текширилди.

Қўл юқини ва фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўздан кечириш учун кўрсатиш зарурлиги Метрополитендан фойдаланиш қоидаларида қайд этилган, — дейди ИИБнинг метрополитени кўриқлаш бўйича бошлиғи О.Беченов. — Шунинг учун бундан ачиқланмаслик керак. Метрополитендан фақат ҳаракатланиш воситаси эмас, балки келажак авлод учун ҳам асраб-авайлаш лозим бўлган ноёб меъморий обида ҳамдир.

Кўндаланга рақамлар ҳам метрополитенда риоя этиладиган жамоат хавфсизлиги чоралари самардорлигидан далolat беради. Ўтган йил якунларига кўра, маъмурий қонунбузарлик учун 3,2 минг нафардан ортиқ киши ушланган. Шунингдек, йўловчиларни текшириш пайтида босқинчилик, қаллоблик, товламачилик, ўғирлик, ҳужжатларни қалбақлаштириш, Ўзбекистон Республикасига қонуний кириш каби 42 жиноят аниқланиб, олди олинган.

Замонавий видеокузатув ускуналари ҳам тартибни сақлаш ва поездларнинг узлуксиз ҳаракатини таъминлашга хизмат қилаётган. Вестибюллarda йўловчилар оқимини назорат қилиш ва экстремал ҳолатларда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тезкор аралашуш имконини берадиган кенг форматли мониторлар ўрнатилган.

Тошкент метрополитени экологик тоза ерости ишооти бўлиб, кундалик ҳаётимиздан мустақкам ўрин эгаллаган. Шу сабабли барчамиз, биргаликда метрополитендаги тозалик ва тартиб, ишончилиқ ҳамда хавфсизлик ҳақида ғамхўрлик қилишимиз, кўплаб муҳандислик-техник ечимлар бўйича ноёб бўлган ушбу транспорт комплексини асраб-авайлашимиз даркор.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

Қарор ва ижро

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 31 октябрда қабул қилинган «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Миллий матбўот марказида Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан ташкил этилган анжуманда бу йўналишдаги ислохотлар самарасида юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳар йили қарийб 10 фоиз ортаётгани, бу эса ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Ҳозир мазкур уюшма таркибидаги бир юз элликдан ортиқ корхонада мингдан зиёд турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган. Ўсимлик ёғлари, маргарин, шакар, минерал сув, қандолатчилик, сут, гўшт ва мева-сабзавот консервалари шулар жумласидандир.

2012 йилда уюшма таркибидаги 2011 йилга нисбатан 8,2 фоиз кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Соҳага 48,8 миллион долларлик инвестиция жалб этилиб, қарийб бир юз ўттиз хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосари А.Қамбаровнинг айтишича, соҳада ички бозорни ўрганиш асосида талаб юқори бўлган, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятидаги «Голден ойл» масъулияти чекланган жамиятида соядан, Фарғона вилоятидаги «Эффектив ойл» хусусий корхонасида ўрик данагидан ёғ ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Уюшма тизимидаги корхоналарда замонавий сифатни баҳолаш тизими жорий қилинаётгани экспорт ҳамда ва турларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган. Аксарият корхоналар ISO 9001 халқаро сифатни бошқариш сертификатига эга. Бир қатор корхоналарда ISO 22000 халқаро озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими жорий этилган.

Обод турмуш йилида Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси томонидан қўшимча қувватларни ишга тушириш орқали уч мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиб режалаштирилмоқда. Йодланган ош тузи ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кўнгрот натрий сульфат», шакар ишлаб чиқарадиган «Ангрен шакар», сутни қайта ишлайдиган «Саховат» корхоналарини барпо этиш шулар жумласидандир.

Тадбирда мамлакатимиз озиқ-овқат саноати соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири

Қонунларимизни ўрганамиз

ОИЛАВИЙ КОРХОНАЛАР РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда кейинги пайтларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилаётган муҳим эътибор туфайли иқтисодиётимизнинг ушбу соҳаси тобора ривожланиб бормоқда. Натижада янгидан-янги маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилиб, кўплаб қўшимча иш ўринлари яратилишига имкон туғилмоқда.

Энг муҳими, тадбиркор ва ишбилармонларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида бу борада қабул қилинган қонунлар, қарорлар асосида ҳуқуқий база яратилмоқда.

2012 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни ҳам мамлакатимизда шаклланиб келаётган оилавий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши учун мустақам замин бўлмоқда. Яъни, ушбу қонуннинг қабул қилиниши аввало маҳаллаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада кенгайиши ва ривожланиши, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ошишига муҳим омил бўлмоқда.

Мазкур қонунда оилавий корхона аъзолари учун ўзига ҳок имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, оилавий корхона ягона солиқ тўловчи ҳисобланади. Яъни, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин уларнинг ихтиёрида қоладиган фойда солиқ солинмайди, бу фойда оилавий корхона иштирокчилари тасаруфига ўтади ва бунда иштирокчилар даромад солиғи тўламайдилар.

Албатта, оилавий корхоналар томонидан турли-туман буюмлар, кийим-кечақлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар ишлаб чиқарилиши мумкин. Бу борада оилавий корхоналарга берилган яна бир имтиёз шундан иборатки, агарда бундай корхона халқ бадийи хунарамдчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш билан шуғулланса, ўзи ишлаб чиқарган буюмларни реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

М. МИРЗААХМЕДОВ,
Олмазор тумани ДСИ шўъба бошлиғи

Яқинда Деҳлида бўлиб ўтган «Outbound Travel Mart» (OTM) халқаро сайёҳлик ярмаркасида дунёнинг 13 мамлакати ҳамда Ҳиндистоннинг 22 штатидан келган 400 дан зиёд сайёҳлик компаниялари ўзларининг сайёҳлик маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этдилар.

Алоҳида қайд этиш жоизки, халқаро сайёҳликка ихтисослашган «OTM-2013» анжумани чоғида Ҳиндистон компаниялари Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига нисбатан катта қизиқиш билдирдилар. Юртимиз заминидagi тарихий обидаларнинг тасвирлари акс этган Ўзбекистон бўлмаси, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари қадимий шаҳарлар ва улар бағрида жойлашган бетакрор ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши ҳам кўргазма қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

«Outbound Travel Mart» компаниясининг раиси ва ижрочи директори Санжив Агарвалнинг қайд этишича, кўҳна тарихи, кўплаб тарихий обидалари, бетакрор табиати, тараққий топган транспорт ва меҳмонхона

ЎЗБЕКИСТОН «OUTBOUND TRAVEL MART» САЙЁҲЛИК АНЖУМАНИДА

инфратузилмаси ҳамда юқори хизмат кўрсатиш даражасига эга бўлган Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозоридаги ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бормоқда.

— Юртингизда шаҳарлар инфратузилмаси барқарор ривожлангани ҳолда янгидан-янги корхоналар, йўллар ва меҳмонхоналар бунёд этилаёттир, — деди С.Агарвал «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида. — Бу юртингизда сайёҳлик соҳасига, қадимий обидалар, маданият ва санъатни асраб-авайлашга

бўлган улкан эътиборнинг натижаси ҳисобланади. Мазкур омиллар хиндистонлик сайёҳлар учун Ўзбекистонни сеvimли ўлкалардан бирига айланишига хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон саройлар, масжид ва мадрасалар, макбараю миноралар сингари 4 мингдан ортиқ қадимий обидаларга эга ноёб ва бетакрор мамлакатдир, — деди «UniGoin Touts & Travels» компанияси директори Гурдип Каур. — Буюк аждодлардан қолган маънавий мерос, хунарамандчиликнинг асрий аънавалари — буларнинг

барчаси республиканинг сайёҳлик салоҳиятини янада бойитади. Шу боис Ўзбекистон ҳозирги вақтда кўпдан-кўп хорижлик сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.

«The Voyagers» компанияси директори Сарика Сингх Ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлигини юқори баҳолаб экан, ўлкамизнинг гўзал табиати, бой ва ранг-баранг маданияти, тансиқ миллий таомлари, бетакрор жозибаси билан бутун дунё аҳлини ўзига маълиё қилаётганини эътироф этди.

— Хар сафар сайёҳларимиз юртингиздан ажойиб ва унутилмас таассуротлар билан қайтишади, — деди С.Сингх. — Шу ўринда бизнинг компаниямиз хиндистонлик сайёҳларга Шарқ гўзаллиги, маҳобати ва меҳмондўстлигини ўзида мужассам этган Ўзбекистон бўйлаб ажойиб саёҳатдан баҳра олишлари учун қулай имконият яратиб келаётганидан мамнун эканлигимизни қайд этишни истар эдим.

«Жаҳон» АА
Деҳли

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкilot)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзасига келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятида янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.
Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти



Танловда умумтаълим мактабларида синфларга раҳбарлик қилаётган, юқори касб маҳоратига эга бўлган, ўз фанининг ҳақиқий мутахассислари бўлган педагоглар иштирок этди.

Яъни танловнинг мактаб босқичларида жами 5274 нафар синф раҳбарлари қатнашган бўлса, туман босқичида 290, шаҳар босқичида эса энг малакали 11 нафар ўқитувчилар ўзаро куч синашди.

— Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси Замира Азимбекова, — давлат

нинг масъулиятини янада ошириш, ташаббускор, ижодкор ва илғор синф раҳбарларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Зеро, ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган ҳар қандай иш замирида фарзандларимизнинг бахти саодати, истиқболли, нурафшон келажаги мужассамдир.

Олмасор туманидаги 326-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Гавҳар Умурзоқова «Йилнинг энг яхши синф раҳбари» танловининг шаҳар босқичи ғолиби бўлди.

— Мен жуда ҳам хурсандман, — дейди Гавҳар Умур-

Танловлар

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ СИНФ РАҲБАРИ

Яқинда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан илк бор «Йилнинг энг яхши синф раҳбари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ташкил этилди.

тимиз томонидан соҳада белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳар томонлама етук, баркамол, маънавий, жисмоний жиҳатдан ривожланган шахсни тарбиялашда синф раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш, ташаббускор, ижодкор ва илғор синф раҳбарларини аниқлаш, уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Зеро, ёш авлод камолоти йўлида қилинаётган ҳар қандай иш замирида фарзандларимизнинг бахти саодати, истиқболли, нурафшон келажаги мужассамдир.

Олмасор туманидаги 326-мактабнинг биология фани ўқитувчиси Гавҳар Умурзоқова «Йилнинг энг яхши синф раҳбари» танловининг шаҳар босқичи ғолиби бўлди.

— Мен жуда ҳам хурсандман, — дейди Гавҳар Умур-

зоқова ҳаяжон билан. — Бу танлов менга рағбат, куч ва ўзимга бўлган ишончни мустаҳкамлади. Шунинг баробарида касбдошларим билан ўз билимларим даражасини янада такомиллаштириб олишимга имкон яратиб берди. Бундан кейинги фаолиятимда ноанъанавий тарбиявий соатлар ўтказишга асосий эътибор қаратаман, аynиқса ота-оналар билан ҳамкорликни янада яхшироқ йўлга қўйишга интиламан...

Бугунги кунда шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 293 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда 15854 нафар педагоглар 299879 нафар ўқувчиларга таълим-тарбия бермоқдалар.

Хар қандай танлов инсонни қомилликка ундайди. Мазкур танлов ҳам педагогларни билим ва малакасини оширишга даъват этибгина қолмай, уларни ўз устидарида ишлашга, изланишга ва илмларини мустаҳкамлаб, ошириб боришга чорлайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: танловдан лавҳа

Ислом Исмоилов олган сурат

УССУРИЙ ЙЎЛБАРСЛАРИ — ТОШКЕНТ ЦИРКИДА

Борлиқ уйғонаётган ҳозирги баҳор кунларида ҳар бир инсон ўзини табиатнинг бир бўлаги деб ҳис этади, гўёки қайта туғилгандай бўлади, қалбида эзгу орзу ва интилишлар жўш уради.

Бугун мамлакатимизда баҳор айёми — Наврўз байрамига қизгин тайёргарлик кўриломоқда. Барча жойда ҳашарлар ўтказилиб, байрам концертлари тайёрланмоқда. Тошкент цирки ҳам ўзига хос байрам совғасини тайёрлади. 20 мартдан бу ерда ҳайвон ўргатувчи А.Хусиновнинг янги «Уссурий йўлбарслари» дастури намойиш этилади.

Цирк сахнасида, шунингдек, Ўзбекистон халқ артисти Х.Зарипов раҳбарлигидаги чавандоз йигитлар, Н.Алиева раҳбарлик қилаётган дорбозлар гуруҳи ва

бошқа кўплаб цирк усталари ўз санъатини намойиш қилади.

Дастурдан жой олган ёш артистлар — Тошкент эстрада ва цирк коллежи битирувчилари, гимнастикачи В.Мягкий ва ҳаво гимнастикачиси Д.Жаҳонгировнинг чиқишлари катта-кичикка ўзгача завқ-шавқ бахш этади.

Янги дастур учун махсус тайёрланган бежирим миллий либослар, жўшқин рақслар ва масхарабозларнинг ҳазил-мутойибалари ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди.


Ирина ДОЛЕНКО,

ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!
Йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишда қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида
2013 ЙИЛ 1 МАРТДАН БОШЛАБ



ер усти жамоат транспорти (шаҳар ичи автобус ва трамвай) йўналишларида йўлқира ҳақининг жетонлар орқали тўлаш тизими жорий этилди.

Жетонлар ойлик йўл чипталари сотиладиган барча шохобчаларда фақат БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛАРИ ОРҚАЛИ СОТИЛАДИ.

Йўлқира ҳақининг тўланиши учун жетонлар нақд пуллар билан бир қаторда ҳайдовчи ва кондукторлар томонидан чипта бериб қабул қилиниши шарт.

ҲАЙДОВЧИ ВА КОНДУКТОРЛАР ТОМОНИДАН ЖЕТОНЛАР СОТИЛИШИ ЁКИ ҚАЙТИМ СИФАТИДА ЙЎЛОВЧИЛАРГА БЕРИЛИШИ ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ.

Автобус ва трамвайларда ойлик йўл чипталаридан ҳамда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалардан фойдаланиш сақланиб қолган.

“Йўловчитранссервис” ИХЦ маркази, тел.: 260-08-26, 260-14-06, 260-21-78

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2008 йил июль ойида Пардаев Зоир Ярашевич номига берилган 93-08 рўйхат рақамли, В 322192 сонли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Элбек Элёр ўғли» деҳқон хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Яқкасаро тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 36-уй, 9-хонадонда яшовчи Хожиева Нигора Расуловнага тегишли бўлган уй кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Юртимизда кўкламнинг илиқ нафаси эсмоқда. Янгиланиш ва яшариш фасли юртимизга ўзининг гўзал байрамлари билан ташриф буюрди. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида баҳор ва янгиланиш байрамига бағишланган турли-туман тадбирлар ўтказилмоқда.

Касаба уюшмалари фаолиятдан

ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Шундай тадбирлардан бири шахримиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бирлашган касаба уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир пойтахтимизнинг фаол аёлларини тақдирлашга бағишланди.

Унда шаҳар ва туман ҳокимликларида, «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди ҳамда ички ишлар тизимида узоқ йиллар давомида фаол меҳнат қилган, бошқаларга ўрнак бўла оладиган тажрибали ходимларнинг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар топширилди.

— Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дейди Тошкент шаҳар ва туман ҳокимликлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Абдулворис Измаилбаев. — Бундай юксак эътибор уларнинг оила, давлат ва жамият ишларида, тадбиркорлик, фан-таълим соҳасида ҳам яхши натижаларга

эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хотин-қизларимизнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш бугунги муҳим устувор йўналишлардан ҳисобланади.

— Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси касаба уюшмаси раиси Наима Мирпўлатова. — Юртбошимиз томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинишини аёлларга қаратилган яна бир эътибор деб ўйлайман. Чунки оила тинчлиги ва турмушимиз фаровонлигини таъминлашда аёлларимизнинг ўрни беқиёс.

Тадбирдан сўнг театр жамоаси томонидан «Андишали келинчак» спектакли намойиш этилди.

Кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликлар шак-шубҳасиз мамлакатимиз хотин-қизларининг оила ва жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдували СОДИҚОВ

НАМУНАЛИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Энг намунали маънавий муҳитга эга таълим муассасаси» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилмоқда.

Мазкур кўрик-танлов вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа гайриишжи-мой хатти-ҳаракатлар содир этилишига им-кон берадиган сабаблар ва шарт-шароитлар-ни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етма-ганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шу-нингдек, уларни ижтимоий-педагогик реабили-тация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга доир фаолиятнинг таълим муассасала-рида тўғри йўлга қўйилганлиги, у ердаги иж-тимоий-маънавий муҳит, олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар, ўқувчи ва ёшлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган тар-тиббузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик, миссионерлик ва «оммавий маданият» аталмиш маънавий ва ахлоқий ту-банлик иллатларининг олдини олиш борасида таълим муассасаларида олиб борилаётган про-филактик ишларнинг аҳолини ўрганиш ва энг намунавий тажрибаларни оммалаштириш мақ-садида эълон қилинган.

— Таълим муассасаларининг фаолиятини ўрганиш натижалари мезонларга асосан тас-диқланган намуналардаги фаолиятни баҳолаш варақаларида тегишли ишчи гуруҳ аъзолари томонидан баллар кўринишида акс эттирила-ди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими мутахассиси Замира Азимбоева. — Ту-ман ишчи гуруҳи умумий ўрта таълим мактаб-ларини маънавий-маърифий ишлар бўйича ба-ҳолаш мезонлари асосида аниқлаб, туманда ҳар бир мактабнинг рейтингини, шаҳар ишчи гу-руҳи эса шаҳар миқёсида ҳар бир умумий ўрта таълим мактабларини баҳолаб, шаҳар миқёси-да рейтингини чиқаради.

Танловнинг туман босқичида иштирок этган ҳар бир умумтаълим мактабнинг фаолиятини баҳолаш варақасидаги баллар умумлаштири-либ, ҳар бир соҳа учун алоҳида рейтинг жад-валига киритилади. Ушбу жадваллар асосида энг юқори балли кўлга киритган таълим муас-сасаси туман миқёсида «Энг намунали маъна-вий муҳитга эга таълим муассасаси» танлови совриндори, деб топилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 20 мартига қадар мазкур кўрик-танловнинг туман миқёси-да энг юқори балларни кўлга киритган умумий ўрта таълим мактаблари танловнинг шаҳар бо-сқичида иштирок этиш учун йўлланма олади.

Фармонбек МАТНАЗАРОВ,
«Туркистон-пресс»

Инсон ҳаётини тасодифларсиз тасаввур этиш қийин. Негаки, биргина эҳтиётсизлик ёки лоқайдлик қувончли дамларимизни кам-ташвишга рўбарў қилиши ҳеч гап эмас. Ногоҳ кимдир сувга чўкиб кетгани, бошқа бировни баҳайбат дарахт босиб қолганини ёки хонадон эшиги қулфланиб қолгани-ю ҳайдовчи ёхуд йўловчининг автофалокат оқибатида мажақланган машина кузови ичида ётган таҳликали дақиқаларда табиийки, улар халоскорлик хизматидан нажот кутади.

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан МАТОНАТ ВА ШИЖОАТ ЭГАЛАРИ


Ҳаётда учраб турадиган бундай воқеа-ҳодиса-ларнинг кўплаб гувоҳи бўлганмиз, қутқарувчилари-миз кўлларида келган барча имкониятларни ишга солиб, ана шундай қалтис вазиятларда кўмакка муҳтожлик сезган инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилишмоқда. Халоскор-ларимиз ҳам бундай беминнат хизмат қилганла-ридан фахр хиссини туюдилар. Негаки, уларнинг хизматлари беҳуда кетмаганига, бахтли тасодиф туфайли ҳаётга қайтган инсонлар ва уларнинг яқин-лари, қавм-қариндошлари қувончига шерик бўлга-нига нима етин.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган, таркиби-да шижоатли ва матонатли йигитларни жамлаган, Тошкент шаҳар ФВБ «Қутқарув отряди»нинг қутқарувчилари эндиликда халоскорлик ва нажоткор-лик, керак бўлса инсонларга мададкор сифатида шаҳримиз аҳолиси ишончини оқлаб, эл-ўртга анча-мунча танилиб улгургани қувонарли ҳол, ал-батта.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллигимиз шаро-фати билан вазирлик ташкил этилган, орадан кўп ўтмай «Қутқарув отряди»нинг фаолият кўрсата бош-лагани бошқарма тарихида ҳам ёрқин саҳифалар очди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, ўз тар-кибига қирқдан ортиқ малакали, юқори тоифали

қутқарувчиларни, ўнлаб замонавий, сифатли қут-қарув хизмати кўрсатиш имкониятига эга бўлган махсус авиотехникаларни ва замонавий ўқув мод-дий базасини жипслаштирган «Қутқарув отряди»-нинг фаолият кўлами анча кенг бўлиб, пойтахт ҳудудидаги ўта муҳим ва тоифаланган, кимёвий, ёнғин ва портлаш хавфи мавжуд объектларда ҳамда жамоат масканларида, аҳоли яшаш жойла-рида, кўп қаватли бино ва иншоотларда, шунинг-дек, сел ва тошқин хавфи бўлган жойларда юзага келган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бар-тараф этиш, сувдан қутқариш ва жабрланган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хавфсиз жойларга кўчириш ҳамда авария-қутқарув, кидирув-қутқарув ишларини олиб боришга йўнал-тирилган.

Сўнг пайтларда авария кидирув-қутқарув куч-ларининг асосий эътибори фавқулодда вазиятлар-нинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бар-тараф этишга қаратилди. Қутқарувчиларнинг жан-говар ва касбий тайёргарлик даражаси яхшилан-гани, пойтахтда фаолият кўрсатаётгани фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби шакл-лантирилиб, уларнинг керакли асбоб-ускуналар билан таъминлангани ва хизмат самарадорлиги анча ошгани фикримиз далилидир.



Санъат

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида «Глобаллашувнинг миллий санъат ва маданиятга таъсири» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ёшлар билан очик мулоқотда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Тошкент Давлат юридик институти доцент-и Раҳмон Қўчқоров ва институт талабалари иштирок этди. Тадбирда бугунги кун кино, мусиқа санъатидаги ютуқлар ва муаммолар юзасидан талаба-ёшлар ва мутахассислар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо сўзга чиқиб, бугунги эстрада санъатидаги камчилик ва муаммо-лар, уларнинг олдини олиш ҳақида фикр юритди. Раҳмон Қўчқоров эса бугунги кун кино санъатида маиший мавзу-даги фильмлар кўпайиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Сценарийни ёзиб, ўзи ушбу сценарий бўйича киномни суратга олиб, актёр сифатида иштирок этиб келаётган

санъаткорларимиз кам эмас. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин», деб бежиз айтишмаган. Ахир олий ўқув юртла-рида таълим олаётган мутахассис кадрлар ҳам неча йил-лар давомида ўқиб ўрганиб, ўз соҳасининг билимдони бўлишга интиломқдалар. Ушбу соҳанинг мутахассиси бўлмаганлар киноларни суратга олаверса, бачкана фильмларнинг кўпайишига имкон яратилади, албатта.

Тадбир қизгин баҳсларга бой тарзда бўлиб ўтди. Шун-дай учрашувларнинг кўпроқ ташкил этилиши ёшларнинг ўзларини англашларига ҳамда санъатдаги камчиликлар-ни бартараф этиб, тўғри йўлни танлашларига ўзига хос туртки бўлади, десак адашмаймиз.

Икlima МАТКУРБОНОВА,
ЎДСМИ талабаси

«Жар» стадионига йиғилган мухлислар мамлакат XXII миллий чемпионати профессионал футбол лигасининг «Бунёдкор» ҳамда «Насаф» жамоалари ўртасидаги 2-тур баҳсига гувоҳ бўлишди.

Футбол

ТУРНИНГ МАРКАЗИЙ УЧРАШУВИ

этишди. Ўйин яқунланишига уч дақиқа қолганида Алибобо Раҳматуллаев қар-шилиқлар дарвозасига яна гол урди ва ўз жамоасининг йирик 3:0 ҳисо-бида ғалаба қозонишига катта ҳисса қўшди.

Шунингдек, ушбу турдан ўрин ол-ган яна икки учрашув натижалари би-лан танишинг. «Олмалик» — «Қизилқум» — 2:1, «Нефтчи» — «Металлург» — 0:1.

Иккинчи тур учрашувлари белгилан-ган кунлари мамлакатимизда об-ҳаво-нинг кескин пасайиб кетганлиги, қор ёғганлиги туфайли кўпгина стадион-

ларда ўйинларни ўтказишнинг имко-ни бўлмади. Шу боис Ўзбекистон фут-бол федерацияси раҳбарияти қаро-рига кўра ушбу турдан ўрин олган «Шўртан» — «Пахтакор», «Динамо» — «Гулистон», «Бухоро» — «Сўғдиёна», «Навбахор» — «Локомотив» учрашу-влари номаълум муддатга кечикти-рилди.

Хуллас шу кунгача ўтказилган ўйин-лар якунига кўра «Бунёдкор» ва «Ме-таллург» жамоалари олтиадан очко жамғариб турнир жадвалида пешқа-дамлик қилишмоқда.

Акбар Йўлдошев

Айтиш жоизки, ҳозирги вақтда «Қутқарув от-ряди» ўз таркибига авария-қутқарув, радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза, сувда қутқарув ва қутқарув ишларини таъминлаш гуруҳларини жамлаган бўлиб, кечаю кундуз хиз-матга шай туришибди.

Асосий бўғинлардан бири — «Сувда қутқарув» гуруҳи бўлиб, таркибига бир нечта тажрибали қут-қарувчи-ғаввосларни бириктирган. Мазкур гуруҳ замонавий ғаввослик асбоб-анжомлари билан таъ-минланган. Бундан ташқари, уларга барча қутқар-ув воситалари билан жиҳозланган Эта махсус автомобиль ахратилган бўлиб, юклатилган вазис-фаларни тўлиқ бажариш имкониятига эга. Сўнгги йиллар статистикасига эътибор қаратадиган бўлсак, «Қутқарув отряди» ташкил этилганидан буён ўтган йиллар давомида гуруҳ шахсий тарки-би сув ҳавзаларида жабрланган аҳолига ёрдам кўрсатиш мақсадида жами 100 дан ортиқ чиқиш-ларни амалга ошириб, унда кўплаб инсонларнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди.

Қутқарувчиларимиз пойтахт кўчаларида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда воқеа жойига зудлик билан етиб келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳаётини сақлаб қолишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Ха, қутқарувчилик ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли ва хайрли касбдир. Мардларга хос бўлган бундай савоб ишларни сидқидилдан адо этаётган қутқарувчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Айтиш жоизки, қидирув-қут-қарув хизматини ҳар томонлама шакллантириш, ходимларнинг касбий маҳорати, тажриба ва ма-лакасини йилдан йилга такомиллаштириб бориш-ни даврнинг ўзи такозо этмоқда.

Шарқ дурдоналарида шундай сўзлар битилган: «Икки нарса, яъни шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат — ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган киши бахт-саодатга эришади».

Ха, бизнинг қутқарувчиларимиз ана шундай хис-лату фазилатлардан бегона эмас.

Азамат СУЮНОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзини четга тортган чеккага чиқиб қолади.

Одамни нафси сарсон қилади.

Ўзида йўқ борни кўролмайд.

Қайсарнинг ён бергани — жон бергани.

Ишни қойил қилган мақтанишга ҳақли.

Истаган имкон топади.

Ўзини ҳурмат қилган бировнинг устидан кулмайди.

Чўзилган иш — бузилган иш.

Ақлнинг-ку муайян чегаралари бор, лекин аҳмоқлик чегара билмайди.

Соғлик бўлмаса, бойлик татимайди.

Тоши оғирнинг иши унмайди.

Ҳамма нарсага улгуришга уринган аслида ҳеч нарсага улгурмайди.

Доғ кўзга ярқ этиб ташланади.

Меҳнатдан яхши таскин йўқ.

Нима учун яшаётганини билмайдиган одам бахтсиз одам.

Ўзидан уялган кишига ишонса бўлади.

Норози бўлиб берилган нарса юкмайди.

Бировни ёмонлаб ҳеч ким обрў топмаган.

Кўпчилик манфаат юзасидан дўст тутинади.

Йўқ нарсани излаш — касаллик.

Бировларнинг калтафаҳмлиги бошқа-ларга қимматга тушади.

Ишонч — катта куч.

Эрта қувонган нарсанг кўпинча сароб бўлиб чиқади.

Тажриба барибир ўз сўзини айтади.

Ҳеч ким ўзининг ҳақиқатига бировнинг дахл қилишини истамайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги АBBOS SABINA BARAKA SAVDO МЧЖ ўз номини АBBOS SABINA BARAKA SAVDO ташкилий ҳуқуқий шакли оилавий корхонасига ўзгартаётганлигини маълум қилади.

АBBOS SABINA BARAKA SAVDO МЧЖга нисбатан даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел.: 367-80-06

	ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	илқ, кундузи — 14-16 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 15 мартда Тошкент
	Тошкент шаҳрида 15 март кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга томон секундида 5-10 метр, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳаро-рат кечаси — 8-10 даража	шаҳри об-ҳаво шароити ша-ҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғили-шига имконият яратади. Ат-мосферанинг ифлосланиш да-ражаси 1-3 фазс кўпайиши тахмин қилишмоқда, тағмиқ-дори паст бўлади.

Тошкент оқшом

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар 233-28-95,
236-57-65 факс (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

Босилган топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ